



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 100 (12.411)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг ўқув полигониди бўлиб ўтган тантанали тадбирда ИИБ академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига қабул қилинган курсантлар Ватанга содиқлик қасамёдини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, полковник А.Мирзаев, Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи, полковник Ш.Икромов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ички ишлар органлари тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва фуқаролар тинчлигини ҳимоя қилиш бўйича юқори самарали тизим яратилди. Мазкур академия курсантлари ҳам хавфсизлиқни сақлаш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Уларнинг чуқур билим олиши ва малакали кўникмага эга бўлиши учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган.

Сержантлар тайёрлаш олий курсларида патруль-пост хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги, фуқароларнинг кириш ва чиқишини расмийлаштириш, ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жазони ўташ, ёнғин хавфсизлиги каби йўналишлар бўйича мутахассислар

тайёрланмоқда. Айни пайтда олий курсларнинг кўплаб битирувчилари жойларда ўз хизмат вазифаларини муваффақиятли бажармоқда.

Курсантлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ватани ва халқига содиқ хизмат қилишга тантанали қасамёд қилди. Улар фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз бурчларини ҳалол ва сидқидилдан адо этишга сўз бердилар.

— Бугун мен учун жуда ҳаяжонли кун, — дейди курсант Зокир Тўйчибоев. — Негатив, академияни тамомлаганимдан сўнг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида хизмат қиламан. Бу жуда масъулиятли вазифа бўлгани сабабли бугун нафақат яхши ўқишим, балки спорт билан ҳам мунтазам шуғулланишим керак. Бу ерда эгаллаган барча кўникмаларим келгуси ишимда асқотади. Яхши мутахассис бўлиб, зиммамга юкланган вазифаларни виждонан бажаришга ҳаракат қиламан.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Яқинда Тошкентда расмий ташриф билан бўлган Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Эдгарс Ринкевичс оммавий ахборот воситалари билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашув якунлари ҳамда мамлакатимиз парламенти ва турли вазирликларида ўтказган музокаралари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

ЭДГАРС РИНКЕВИЧС: «БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ СТРАТЕГИК ШЕРИК ҲИСОБЛАЙМИЗ»

Латвия ташқи сиёсат маҳкамасининг раҳбари «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида Латвия ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлиқнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболларига оид нуктаи назарини маълум қилди.

— Биз Ўзбекистоннинг минтақадаги барқарорлиқнинг кафолати сифатидаги ўзининг юқори баҳолаган ҳолда, республикани Латвиянинг стратегик шериги ҳамда Европа Иттифоқи ва НАТО учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мамлакат деб биламиз, — қайд этди у.

Э. Ринкевичс таъкидлаганидек, 2015 йилнинг биринчи ярмида Латвия Европа Иттифоқида раислик қилади ва шунинг муносабати билан Европа Иттифоқи ҳамда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ўртасидаги мулоқотга кучли туртки бериш Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Минтақамиздаги барқарорлик ва хавфсизлик масалаларига тўхталар экан, Латвия ташқи ишлар вазири Ўзбекистоннинг Афғонистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолади. Жумладан, у инфратўлиқлининг лойиҳаларининг амалга оширилиши, Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ва юк ташини сингари йўналишларни алоҳида қайд этди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги саволга жавоб берар экан, Латвия ташқи сиёсат маҳмаси раҳбари Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг жадал суратлари ва мамлакатимизнинг салоҳияти бу соҳадаги ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. У сайёҳлик, дори-дармон, энгил ва тўқимачилик саноати, юк ташини, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигини бу борадаги ўзаро алоқаларнинг истиқбол-ли йўналишлари сифатида қайд этди.

— Бугунги кунда Латвияда ўзбекис-тонлик шериклар билан биргаликда ташкил этилган кўплаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда, — деди латвиялик дипломат. — Мамлакатимизда ҳам Латвия бизнесининг фаолияти кенгайиб, Ўзбекистон — Латвия қўшма корхоналарининг сони кўпайишини истар эдик. Бундай масалалар давлатлари-мизнинг тармоқ вазирликлари ва иш-билармон доиралари вакиллари томи-дан батафсил муҳокама этилишига умид қиламан.

Икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқни ривож-лантириш учун ҳар икки мамлакат эга бўлган салоҳиятни юқори баҳолаб экан, Эдгарс Ринкевичс ҳозирги вақтда таъ-лим жабҳасидаги ўзаро алоқалар бора-сида ижобий тажриба мавжуд эканлиги-ни қайд этди. Хусусан, ҳозирги пайтда қарийб 200 нафар ўзбекис-тонлик тала-ба Латвия олий ўқув юр-тларида таҳсил олмоқда. Латвия ташқи ишлар вазири-нинг фикр билдиришича, шартномавий-ҳуқуқий базанинг ривож-и, хусусан, ҳозирги вақтда ишлаб чиқилаётган соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳо-сабат билан Эдгарс Ринкевичс бу омил-лар нафақат Ўзбекистон — Латвия икки томонлама алоқаларининг, балки мам-лакатларимизнинг Европа Иттифоқи — Ўзбекистон мулоқоти доирасидаги ҳам-корлигининг ҳам янада ривожланиши-га янги суръат бағишлашига қўш-иш-и билдирди.

«Жаҳон» АА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сирдарё вилоятида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенга-ши, вилоятдаги тижорат банклари ташаб-буси билан «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» деб номланган ёшлар фестива-ли бўлиб ўтди.

● Юртимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўрта-сида ҳар йили анъанавий равишда ўтка-зиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг мамлакат босқи-чида Пайариқ қишлоқ хўжалик маҳсулот-ларини қайта ишлаш ва сервис касб-хунар коллежининг «Лочин» жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди.

● Самарқанд қишлоқ хўжалиги инсти-тутиди сабзавотчилик ва узумчиликка их-тисослаштирилган фермер хўжаликлари-нинг моддий-техника базасини мустаҳкам-лаш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосла-рини такомиллаштириш масалаларига ба-ғишланган минтақавий давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Жиззах вилояти адлия бошқармаси-да хорижий инвесторлар ва хорижий ин-вестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари ҳамда фаолияти эркинлигининг қонуний кафолатлари мавзусига бағиш-ланган семинар ўтказилди.

● Навоий вилояти тарих-ўлкашунослик музейида «Музейлар — тарих кўзгуси» мав-зусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда адиб ва шоирлар, тарихчи олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, таълим муасса-салари ўқувчилари иштирок этди.

● Ўзбекистон Бадий академияси Қора-қалпоғистон бўлимининг кўргазмалар са-ройида Обод турмуш йилга бағишлаб «Ёш истеъодот эгалари» деб номланган кўргаз-ма очилди. Мазкур кўргазмадан Нукус их-тисослашган санъат мактабида таҳсил ола-ётган бўлажак мусаввирлар ҳамда санъат-га иштиёқманд ёшларнинг манзара, на-турморт, портрет жанрларида графика ва мойбўёқда ишланган 200 га яқин асарла-ри ўрин олган.

ЖАҲОНДА

● Хитой жанубида содир бўлган кучли жала эллик беш кишининг ҳаётига зомин бўлди. Шунингдек, ўн тўрт киши бедарак йўқолган. Хитой Фавкуллода вазиятлар ва-зирлиги расмий сайти маълумотларига кўра, мамлакатнинг камида тўққиз вилоят-и аҳолиси кучли довуллар остида қо-лган. Табиий офатдан энг кўп Гуандун ви-лояти аҳолиси жабр кўрган, у ерда 36 киши ҳалок бўлган ва ўн киши бедарак йўқолган. Жиангси вилоятида эса, олти киши ҳалок бўлиб, тўрт кишини қидириш ишлари давом этмоқда.

● Замбия пойтахти Лусака шаҳрида бамбукдан велосипед ишлаб чиқарадиган завод фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мам-лакатда бамбук дарахтлари кўп ўсади. Уларнинг новдасидан велосипедларнинг рамалари ва бошқа таркибий қисмлари тайёрланиши натижасида энгил, мустаҳ-кам ва қулай транспорт воситаси юзга келди. Фақат бамбукдан тайёрланган ве-лосипедларнинг баҳоси оdatдагисидан анча қиммат.

● Япониянинг «Тоуота» автомобиль кон-церни Жанубий Кореянинг «Samsung» ком-паниясини ортда қолдириб, Осиёнинг энг қиммат хусусий компаниясига айланди. «Тоуота»нинг капиталлашуви 217 милли-ард АҚШ долларини ташкил этган, айни вақтда «Samsung»нинг қиймати 198,32 миллиард АҚШ долларидан иборат. Бир йилда автомобиль концерни акциялари нархи икки баробарга ошди. Жорий йил-нинг биринчи чорагида компания 2,43 миллион донга автомобиль сотди. Савдо натижалари бўйича «Тоуота» ўзининг энг асосий рақобатчилари — «General Motors» «Volkswagen»ни ортда қолдирди.

● NASA космик агентлиги мутасаддила-ри жорий йилнинг 1 июнь кунин сайёра-миз ёнидан ҳажми 2,7 километрга тенг бўлган улкан астероид учиб ўтишини маъ-лум қилишди. Мазкур самовий жисм Ер-дан 5,8 миллион километр узоқликда хара-катланади. Бироқ бунда сайёрамизга ҳеч қандай хавф-хатар кузатилмади.

«Тошкент баҳори — 2013»

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ТАРАННУМИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ташкил этилган «Тошкент баҳори» учинчи халқаро опера ва балет санъати фестивали бўлиб ўтмоқда. Унда Италия, Россия, Беларусь, Украина ва Ўзбекистоннинг таниқли маданият ва санъат намоёндалари, опера ҳамда балет усталари иштирок этмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Тадей БОДЕР, Львов миллий опера ва балет театри бош директори (Украина):

— Ўзбекистонда театр санъатига катта эътибор қара-тилётгани, бу борада турли тадбирлар, жумладан, «Тошкент баҳори» фестивали ўтказилаётгани мени лол қолдирди. Биз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз ва мамлакатимиз-да истеъдодли артистлар кўплигининг гувоҳи бўлмоқ-дамиз. Улар ёрдамида Ўзбекистон маданияти ва санъ-ати жадал ривожланмоқда.

Диана МИАН, халқаро танловлар лауреати (Италия):

— Ўзбекистонга илк бор келишим ва «Тошкент ба-ҳори» фестивалига таклиф этилганимдан бағоят хур-сандман. Мени бу қадар самимий кутиб олишлари-ни, бу ерда яшашим ва шуғулланишим учун ажойиб

шароитлар яратиб берилишини кутмаган эдим. Ўзбекистонда иқтидорли ижрочилар ва мусиқачи-ларнинг кўплиги, томоша зали эса юксак санъатни кадрлайдиган ихлосмандлар билан тўлиши таҳсин-га лойиқдир.

Раҳим МИРЗАКАМолов, халқаро танловлар лауреати, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри яккахон ижрочиси (Ўзбекистон):

— Мустақиллик шарофати билан биз, Ўзбекистон опе-ра санъати вакиллари йирик халқаро фестивалларда иштирок этиш ва муваффақиятларга эришиш, бундай тадбирларни мамлакатимизда ҳам ўтказиш имконига эга бўлмоқдамиз. «Тошкент баҳори» халқаро опера ва балет санъати фестивали катта аҳамиятга эга бўлиб, ёш ижрочилар учун ажойиб маҳорат мактаби вазифа-сини ўтайди. Жорий йилда фестиваль доирасида ёш

истеъдод соҳиблари учун янги имкониятлар очиб бе-рилмоқда, яъни мамлакатимиз ижрочилари «Competizione dell'Opera» халқаро вокалчилар танлови-да иштирок этиш учун саралаб олинади. Ўтган йилги «Competizione dell'Opera» танловининг иштирокчиси ва голиби сифатида шуни ишонч билан айтишим мум-кинки, ушбу саралаш босқичининг мамлакатимизда ўтказилаётгани ўзбек санъатининг халқаро эътирофи-дан далolatдир.

Ангелина БИЧКОВА, халқаро танловлар лау-реати, Мариинск театрининг ёш опера ижро-чилари академияси яккахон ижрочиси (Рос-сия):

— Мен Кўқонда туғилганман ва шу боис ёшликдаги барча орзум Ўзбекистон билан боғлиқ. Бу ерга келма-ганимга анча йил бўлди ва шунинг учун фестивалда иштирок этаётганимдан беҳад мамнунман. Кун сайин чирой очиб бораётган Ўзбекистон саҳнасида ўз маҳо-ратимни намойиш этиш мен учун катта шарафдир. Ша-ҳарлар, кўчалар, майдонлар ниҳоятда ўзгариб кетган, янги бинолар, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замо-навий автомобиллар таҳсинга лойиқдир. Ўзбек халқи-нинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлигини ҳеч қачон унутмайман.

Сардор ТОЖИЕВ

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ БУГУН «Ўзбегим» тантана-лар уйида «Касбни улуғлаш

олий шарафдир» мавзуида ФХДЭ органлари ходимлари-нинг кўрик-танлови ўтказилди.

✓ КЕЧА Сергели туманидаги 304-умумтаълим мактабида

«Биз соғлом турмуш тарафдо-римиз» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

✓ БУГУН Учтепа туманида-ги 81-умумтаълим мактабида

«Камолот» ЁИХ етакчилари ҳамда Маънавият тарғибот маркази томонидан «Ёшлар оммавий маданиятга қарши» мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.

Самарали инвестиция сиёсати кўп жиҳатдан давлатнинг муваффақиятли тараққиётини белгилайди. 2013 йил биринчи чорагида Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга ошириш натижалари келажакка катта ишонч билан қараш имконини беради. Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7,2 фоизга ўсди. Бу борадаги юқори кўрсаткичлар мамлакатимиз иқтисодиётида шаклланган институционал муҳит қорхоналарни модернизация қилиш ва ривожлантириш учун инвестициялар жалб қилиш кафолати эканидан далолатдир.

Бугун инвестиция муносабатларини янада ривожлантириш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, узоқ муддатли инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига ўзгартишлар киритишни кўзда тутиадиган қонун лойиҳасини парламентда қўриб чиқиш учун тақдим этиш режалаштирилган. **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Есемурот КАҲЪЯЗОВ** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбирига мазкур ҳужжатга киритилаётган ўзгартишларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистонда инвесторлар учун қўлай инвестиция муҳити, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, — деди Е.Каҳъязов. — Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг йилдан йилга ўсиб бораётгани ҳам бундан далолат беради. Мамлакатимизнинг инвестиция киритиш жиҳатидан жозибадорлиги, аввало, халқаро инвестиция ҳуқуқининг асосий қоидаларини ўзида мужассам этган самарали қонунчилик базаси яратилгани билан боғлиқдир.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, иқтисодиётини ислох қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва ҳаётга жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларининг орта қайтмаслиги кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлари бу борада энг аҳамиятли ҳужжатлар бўлиб, қўлай инвестиция муҳитини шакллантириш имконини берди. Бундан ташқари, мамлакатимиз инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида эллика яқин икки томонлама шартнома имзолади, ушбу соҳада қатор кўп томонлама халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилди. Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, инвестицияларга етказилган зарарни қоплаш, инвестицияларни хорижга эркин кўчириш масалаларини ўз ичига олган мазкур шартномалар инвестициялар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш масалаларини ҳам тартибга солимоқда.

— Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этиш механизми нималардан иборат ва халқаро амалиётда бу борада қандай аниқ мисоллар бор?

Узоқ муддатли ҳўжалик муносабатларини амалга ошириш жараёнида турли низолар юзга келиши мумкин. Шу муносабат билан инвесторнинг мазкур эгалик ҳуқуқларини таъминлайдиган, бошқа ҳуқуқларини кафолатлаш, зарур ҳолларда эса уларни ҳимоя қилишининг тегишли восита ҳамда услубларини ушбу инвестор ихтиёрига топшириш имконини берадиган амалий тизимнинг мавжудлиги ҳар қандай мамлакатда қўлай инвестиция муҳитининг муҳим омилли ҳисобланади.

Одатда, халқаро майдонда томонлар ўртасида чет эл инвестициялари билан боғлиқ барча низоли ушбу ўртасида музокаралар ўтказиш, келишув мавжуд бўлмаган тақдирда эса инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат судлари ёки халқаро ҳакамлар судида (арбитраж) қўриб чиқиш орқали ҳал этиш қабул қилинган. Бунда ҳар икки томоннинг ҳакамлар судига бундай низоли тақдим этиш учун ёзма равишда розилик бериши ўзига ҳо ҳусусият ҳисобланади.

Давлатлар ва чет эллик шахслар ўртасидаги инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида-

ги конвенциянинг 25-моддаси халқаро ҳакамлар судидан ёзма равишдаги розилик мавжуд бўлгандагина фойдаланиш мумкинлигини тасдиқлайди. Унда Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ ахдлашавтган давлат ёки бошқа ахдлашавтган инвестор ўртасида бевосита инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий низоларни ҳал этиш, бунда низо иштирокчилари уни марказга қўриб чиқиш учун ёзма розилик берган тақдирдагина амалга ошириш ваколатига эга экани қайд этилган.

Бундай розилик, одатда, давлатлар ўртасида тузиладиган шартномалар ёки инвестор ва инвестицияларни қабул қиладиган давлат ўртасидаги шартнома доирасида қайд этилади. Бу, шунингдек, ўз фуқароларининг бошқа давлат ҳудудидagi инвестицияларини ҳимоя қилиш, бундай шартномани тузишга интилаётган мамлакатларни рағбатланти-

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТЛАНГАН

ради. Барча ҳолатда инвестицияларни қабул қилаётган давлатнинг маълум бир низоли ҳакамлар судига бериш тўғрисидаги розилигини олиш мажбурий ҳисобланади.

— Ўзбекистонда инвестиция билан боғлиқ низолар қандай тартибда ҳал этилмоқда?

— Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимиз инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида қатор шартномалар иштирокчилари ҳисобланади. Бу шартномалар инвестиция киритиш бўйича қўлай тартиб ўрнашдан ташқари, инвестицияларни қабул қилувчи давлат билан низолар юзга келган ҳолатда инвесторнинг мулкка эгалик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тартибга солидиган нормаларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, Ўзбекистон имзолаган қатор шартномаларда инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳакамлар судига Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ (Вашингтон), Халқаро савдо палатаси ҳузуридаги Халқаро ҳакамлар суди (Париж), Стокгольм савдо палатаси ҳузуридаги Ҳакамлар суди (Стокгольм) қоидалари бўйича ёки бошқа мунтазам фаолият кўрсатадиган ҳакамлар суди ёхуд «ad hoc» ҳакамлар судига (маълум бир низоларни ҳал этиш учун махсус ташкил этиладиган ҳакамлар суди) тақдим этиш имконияти кўзда тутилган.

Бундан ташқари, инвесторлар инвестиция билан боғлиқ низоларни Ўзбекистон Республикаси билан махсуслотни тақсимлаш тўғрисида тузиладиган шартномалар, концессия ёки инвестиция шартномалари доирасида ҳал этиш тартибини кўзда тутиш имконига ҳам эга. Мамлакатимиз 1995 йилдан бундан 1998 йил 10 июнда қабул қилинган «Чет эл ҳакамлар суди қарорларини» таъин олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк конвенцияси аъзолидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этишининг умумэтироф этилган халқаро ҳуқуққа тўлиқ мос келадиган бир қанча йўналишлари мавжуд. Бироқ, амалиёт шуну кўрсатадики, айрим чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳани тартибга солидиган қонунчилигини нотўғри талқин қилаётган ҳолатлар ҳам кузатишмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунини 10-моддасида томонлар инвестициялар билан боғлиқ низоли ҳал қилишга эриша олмасалар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик суди томонидан ёхуд ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартибларига мувофиқ ҳал этилиши лозимлиги белгиланган.

Бундан кўриниб турибдики, юқорида келтирилган нор-

ма фақат инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг мумкин бўлган вариантларини белгилайди ва унда давлатнинг инвестиция билан боғлиқ маълум бир низоли ҳакамлар судига тақдим этиши бўйича розилигини олиш кўзда тутилмаган.

Мазкур нормани тўғри шарҳлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 2006 йил 20 ноябрда ушбу нормага расмий шарҳ берди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ қонунларга расмий шарҳ бериш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколатига кирди.

Ушбу ҳужжатда Конституциявий суд томонидан қонуннинг 10-моддаси мамлакатимизнинг инвестиция билан боғлиқ муайян низоли халқаро ҳакамлар судига ҳал этиш учун тақдим этиш бўйича розилигини аниқлашга аниқ изоҳлаб берилган.

— «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига аниқликлар киритиш зарурати қандай асосларга эга?

— Конституциявий суд томонидан расмий шарҳ берилганига қарамай, афсуски, бугун айрим инвесторлар мазкур моддани нотўғри талқин қилаётган ҳолатлар учрамоқда. Улар буну Ўзбекистон Республикасининг инвестиция билан боғлиқ ҳар қандай низоли ҳакамлар суди, масалан, Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга тақдим этишга розилиги сифатида қабул қилмоқда. Мазкур ҳолат чет эл инвестициялари оқимини таъминлашга интилаётган ҳар қандай давлат сингари Ўзбекистонни ҳам ташвишга солади, албатта. Зеро, мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки кўнралидан ўз қонунчилигини имкон қадар қўллаш учун очик ва тушунарли бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Шу муносабат билан жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига ўзгартишлар киритишни кўзда тутиадиган қонун лойиҳасини Олий Мажлисга қўриб чиқиш учун тақдим этишни режалаштирмоқда. Чунончи, 10-модданинг биринчи қисми мамлакатнинг инвестиция билан боғлиқ муайян низоли халқаро ҳакамлар судига ҳал этиш учун тақдим этиш бўйича розилигини аниқлашга аниқлик киритиш кўзда тутилмоқда.

Бироқ бу Ўзбекистонда инвестиция билан боғлиқ ҳеч бир низо халқаро ҳакамлар судига қўриб чиқилмайдиган, дегани эмас. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон қонунчилигида низоларни ҳакамлар судига давлатлар, давлат ва инвестор ўртасида тузиладиган икки томонлама шартномалар орқали тақдим этишга ёзма розилик беришининг турли вариантлари кўзда тутилган.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқилган мақсад «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонун 10-моддасининг мазмунини ўзгартириш ёки чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини чеклаш эмас, балки унга аниқлик киритишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасининг розилик бериш масаласи ҳар бир ҳолатда қўриб чиқилиши ва бу розилик ёзма равишда ифодаланиши керак. Шундай экан, мамлакатимиз халқаро ҳакамлар судига розилик бериши учун бу ҳолат унинг икки томонлама ёки кўп томонлама инвестиция шартномалари ёхуд битимларида қайд этилиши лозим.

— Қонун лойиҳасида чет эллик инвесторлар учун қандай афзалликлар кўзда тутилган?

— Таклиф этилаётган ва чет эллик инвесторлар манфатларини тўлиқ, ифода этадиган мазкур қонун лойиҳаси уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини янада қўчайтириш ва Ўзбекистон билан муносабатларда бирон-бир ноаниқликларни истисно этувчи қонунчилигимизни улар томонидан тўғри тушунилишини таъминлашга қаратилган. Мазкур қонун лойиҳаси чет эл инвестициялари соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг асосий стандартларига мос келади. Зеро, бу стандартлар давлатни чет эллик инвесторлар билан муносабатларда очик-ошкора ҳаракат қилиши, жумладан, улар инвестиция фаолиятини тартибга солидиган барча қоида ҳамда нормалардан олдиндан хабардор қилишни таъминлайди.

Хулоса қилиб шуну айтиш мумкинки, қонунга киритиш учун таклиф этилаётган ўзгартишлар миллий қонунчилигимизнинг очик-ошқоралигини ва Ўзбекистон Республикасига сармоя киритган ёки киритиш ниятида бўлган чет эллик инвесторлар унинг қоидаларини тўғри тушунишини таъминлашга ёрдам беради, бинобарин мамлакатимизнинг сармоявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

М.МАМЕТОВА
суҳбатлашди

2013 йил — Обод турмуш йили

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР МАКТАБИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, банк-молия муассасалари билан ҳамкорликда Ёш тадбиркорлар мактабининг республика босқичи машғулоти ўтказилди.

Бир ҳафталик ўқувда «Биз — бир жамоа, биз — бир оила!» ижтимоий акцияси доирасидаги ҳудудий саралаш машғулотида фаол қатнашган 80 нафар йигит-қиз иштирок этди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган амалий машғулотларда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашга оид эзгу саъй-ҳаракатлар, яратилаётган имтиёзлар, имконият ва шароитлар, тадбиркорлиқнинг ҳуқуқий ҳимояси, бизнесни суғурталаш, бизнес психологияси масалаларига оид маърузалар тингланди. Ёшларга хусусий бизнесни ташкил этиш, уни муваффақиятли юритиш, бу йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳусусида атрофича маълумотлар берилди.

— Балиқчилик соҳасини ривожлантириш, балиқ ҳўжаликлари учун табиий ва тоза ем маҳсулотларини етиштириш бўйича бизнес-лояҳа тайёрладим, — дейди Тошкент давлат аграр университетининг фермер ҳўжалигини бошқариш факультети талабаси Лола Тўхтаева. — Машғулотлар давомида гоъмин хайъга жорий этиш бўйича қимматли маълумотлар, тадбиркорлик ривож йўлида қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан танишдим. Бу эса тадбиркорлик фаолиятимда менга асқотади.

Энг яхши бизнес-лояҳа муаллифлари имтиёзли кредит олиш имконини берувчи тавсияномалар топширилди.

«ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ» ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

«Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очик ва ошқоралигини таъминлашнинг муҳим омилдир. Пойтахтимиздаги Давлат персоналлаштириш марказида реал вақт режимида бўлиб ўтган республика видеоконференциясида шу ҳақда сўз юритилди.

Президентимиз Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш, шу жумладан, бизнес соҳаси ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Шу сабабли конференцияда очиклик, ошқоралик ва ҳисобдорлик принципларини таъминлаш инobatга олинган ҳолда, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларининг афзалликлари намойиш этилди.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Шерматов ва бошқалар мамлакатимизда «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантиришга доир ишлар фаоллашавтганини таъкидлади. Бу борада меъёрий-ҳуқуқий ва услубий база ишлаб чиқилмоқда, ахборот хизматларини кўрсатишнинг ягона стандартлари жорий этилмоқда.

Конференцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда «Электрон ҳукумат» тизими ролини ошириш масаласи қўриб чиқилди, уни ривожлантиришнинг ўзига ҳо жиҳатлари таҳлил этилди, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларини синондан ўтказиш бўйича ҳуқуқий таҳрибани амалга оширишда депутатлар корпусининг фаол иштирокига эътибор қаратилди.

(ЎЗА)

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.



Унда Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликларининг ҳуқуқшунослари, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмат раҳбарлари ва бевосита меъёрий ҳўжжат ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланувчи ҳодимлар иштирок этишди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг жамият ҳаётида тутган ўрини, унинг мазмун-моҳияти, унга киритилган янги ўзгариш ва қўшимчалар, ҳўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмат раҳбарлари ва бевосита меъёрий ҳўжжат ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланувчи ҳодимлар зиммасига юкланган бурч ва вазифалар атрофича қўриб чиқилди.

Семинарда «Норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири ҳажми жиҳатидан ҳамда мазмунан олдингисидан тубдан фарқ қилиши қайд этиб ўтилди.

Янги таҳрирдаги Қонун ўз ичига янги моддаларни қамрабгина олмай, бугунги қонуннинг воқелигидан келиб чиққан ҳолда янги тартиб, қоида ва мазмун билан бойитилди.

Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига бўлган талаблар қўчайтирилди. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳўжжат лойиҳасини тайёрлашда қонун ҳўжжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганиш, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни аниқлаш мажбури-

ятига оид масалалар кенг ақс эттирилган.

Шунингдек, қонун «Норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш» бўлими, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қатор янги модда ва бандлар билан тўлдирилди. Буларга «Вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳўжжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик», «Норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар лойиҳалари-

Қонун ва ижро

ИЖРО САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ Йўлида

ни тайёрлашни режалаштириш», «Норматив-ҳуқуқий ҳўжжат лойиҳасини тайёрлаш тартиби», «Норматив-ҳуқуқий ҳўжжат лойиҳаси юзасидан халқаро ҳўжжатлар ва чет мамлакатлар қонун ҳўжжатларини пухта ўрганиш орқали таҳлилий ва қиёсий жадваллар тайёрлашни ҳамда тегишли халқаро таҳрибани Ўзбекистон Республикасини шартотида қўллаш мақбуллиги тўғрисида»ги асосли таклифлар тайёрлашни шартлиги» каби нормаларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Қонуннинг яна бир янги жиҳати, унга норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, тайёрлаш тартиби ва уларни экспертизадан ўтказиш масалаларига бағишланган алоҳида боб киритилган бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий ҳўжжатларни қабул қилувчи органлар қонун ҳўжжатлари нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш мумкинлиги тўғрисидаги қоидалар, норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар ижроси устидан тегишли назорат ва мониторинг

олиб бориш ҳамда бошқа қатор масалалар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, семинарда қабул қилинган норматив ҳўжжатларнинг ўзида унинг қучага киришига оид маълум муддат кўрсатилмаган тақдирда, уларнинг расман эълон қилинган қундан эътиборан қуча кириши белгиланганлиги, шу билан бир қаторда норматив-ҳуқуқий ҳўжжатларни эълон қилишга доир талаблар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар матнларининг маҳаллий матбуотда, унинг электрон шакллари уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинишининг шартлиги таъкидлаб ўтилди.

Қонун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бош маслаҳатчиси С.Арипов, Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг ҳуқуқий экспертиза ва қонун ҳўжжатларини туркумлаш сектори мудири Ф.Қурганова, Тошкент шаҳар ҳокимлиги юристи С.Гафаровнинг маърузалари тингланди.

Бундан ташқари, семинар иштирокчилари томонидан «Норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонуннинг тегишли ўзгариш ва қўшимчалар билан тўлдирилганлиги — энг аввало тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳўжжатларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилишидан келиб чиққан ҳолда қонун ижросига оид таклиф ва истақлар билдирилди.

Тадбир якунида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мустиқиллик йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад ҳам мамлакатимизда тиббий хизматнинг ўзига хос миллий моделини шакллантириш, юқори малакали кадрлар асосида хизмат кўрсатишдан иборат эди.

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғлом авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўлимидаги устувор вазифалар ва истиқболдаги режалар» мавзuida матбуот анжумани ташкил этилди. Анжуман аввалида юртимизда энг юқсак талабларга жавоб берадиган, сифатли ва замонавий даволаш муассасаларининг мукамал тизими яратилганлиги, ўтган йиллар мобайнида «Соғлом она — соғлом бола» гоясини ўзида муҳассам этган дастур асосида кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб ҳаётга таъбиқ этилаётганлиги борасида сўз юритилди. Ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда скрининг ва перинатал каби янги тиббий марказлар ва уларнинг вилоятлардаги филиалларининг ташкил этилиши тиббиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшди. Бундан ташқари, айни пайтда мамлакатимизда республика ихтисослаштирилган Акusherлик ва гинекология, Педиатрия илмий-амалий марказлари ва уларнинг жойлардаги филиаллари ҳамда ҳудудий, қўл тармоқли болалар тиббиёт муассасаларининг самарали фаолият кўрсатаётгани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар туфайли мустиқиллик йилларида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими уч барабар камайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов. — Бундай кўрсаткич бўйича бу юртимиз нафақат МДХ, балки дунёдаги етакчи мамлакатлар сафидан жой олди. Агар маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу рақам 63 фоиздан ошди. Дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, мамлакатимиз бу борада юқсак ўсиш суръатларига эришаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ҳақон тажрибасига

асосланган миллий эмлаш жадвали қабул қилинди. Унга кўра ҳар йили мамлакатимиздаги болаларнинг деярли 99 фоизи юқумли касалликларга қарши эмланади.

Аёлларга қўлай шароитлар яратиш ва оналикни ҳимоя қилиш бўйича бир қатор халқаро институтларнинг баҳосига кўра мамлакатимиз жаҳоннинг 125 та давлати орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Бугунга келиб ушбу кўрсаткич Марказий Осиёда энг яхши, МДХ ва Осиёда эса юқори саналади.

— ЮНИСЕФнинг Шарқий Европада ва Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича ҳудудий идораси томонидан мамлакатимизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурлари ҳудудий модел сифатида тан олингани, 2007 йилда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тиббий хизмат кўрсатиш миллий модели юқори баҳолангани ва бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этилгани бу соҳада эришаётган ютуқларимизнинг яққол исботидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Асомитдин Комилов. — Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида биз эришган бундай ютуқлар пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзuida халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари ва 50 га яқин давлатлар томонидан юқсак баҳоланди.

Тадбир давомида шунингдек, болалар ирсий касалликларини ҳомила давридаёқ аниқлаш ва олдини олиш, ҳомилалар аёлларни витаминлар билан таъминлаш, туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш, чекка вилоятлардаги қишлоқ врачлик пунктларини янада ривожлантириш, болаларни вақтида эмлаш ва қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари ҳамда унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар бора-сида ҳам сўз юритилди.

Ортимизда истиқомат қилаётган аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар ва болаларда вужудга келадиган ҳар қандай касалликнинг вақтида олдини олиш ва даволашни янада кенгайтириш устувор вазифа деб белгилаб олинди. Зотан, соғлом она ва соғлом бола мустиқил юрт таяничи.

Камола МАҲАМЕДОВА



Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар боис мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилди. Жумладан, ушбу танлов давомида бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Кўриқнинг дастлабки босқичи пойтахт тез тиббий ёрдам клиник шифохоналарида ўтказилиб, иштрокчиларнинг тиббиёт соҳасига оид билим-қўникмалари баҳоланди.

Шаҳар финал босқичида эса иштрокчилар ҳамшира таширифи (уй вазифаси), соҳага доир назарий ва амалий билимлар, ижти-

моий-сиёсий билимлар, бадий кўрик (уй вазифаси) шартлари бўйича ўз билим ва касб маҳоратларини намойиш этдилар. Яъни бунда ҳамширалар аввал назарий билимларини кўрсатиб, сўнг уни амалда қўладилар. Масалан, уйда касални кўриш қўникмаларини бажардилар. Уларнинг бадий-иҷодий маҳоратлари ҳам ҳакамлар томонидан муносиб баҳолаб борилди.

Ниҳоят, билим ва маҳорат синовини юзасидан кўрсатилган барча натижалар ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг шахримизнинг энг билимдон ва зукко ҳамшираларининг номилари маълум бўлди. Чунотчи, Мирзо Улуғбек тумани-

Танловлар

ЭНГ МОҲИРЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, пойтахт касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, «Қамолот» ЁИХ шаҳар Кенгаши, Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали томонидан Ўзбек Миллий академик драма театрида «Обод турмуш йили»да онла саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, болалар ва ўсмирлар соғлиқни муҳофаза қилиш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида тиббиёт ходимлари, хусусан ҳамшираларнинг билим ва малакаларини ошириш мақсадида «Ҳамшира-2013» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

даги 5-шаҳар клиник шифохонаси тиббиёт ҳамшираси Гулноза Абдиева ғолиблар сафини бошқаргани ҳолда биринчи ўринни эгаллади.

Ҳамза туманидаги 4-шаҳар клиник шифохонасининг қўли гул ҳамшираси Гулноза Маҳмудовага фахрли иккинчи ўрин насиб этди. Учтепа тумани вакиласи — 3-болалар клиник шифохонаси ҳамшираси Дилноза Йўлдошева эса учинчи ўрин эгаси бўлди.

«Ҳамшира-2013» кўрик-танлови шаҳар босқичининг барча ғолиб ва совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Республика онкология илмий марказида «Ҳаёт учун!» кўрак бези саратони миллий уюшмаси ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан илмий семинар ўтказилди.

Унда жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимиз ва исроиллик шифокор-онкологлар, психологлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

«Ҳаёт учун!» кўрак бези саратони миллий уюшмаси директори Ш.Умарова ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, хавфли хасталикларнинг профилактикасини кучайтириш, тўла тиббий кўриқдан ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Ҳаёт учун!» кўрак бези саратони миллий уюшмаси «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда аёлларда учрайдиган саратон хасталикларининг олдини олиш, касаллик аломатлари аниқланган беморларга психологик, тиббий, ижтимоий кўмак кўрсатишга оид бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, 2009-2012 йиллар мобайнида қарийб 30 минг нафар аёл тиббий текширувдан ўтказилди.

Илмий семинар доирасида бир гуруҳ аёллар Республика онкология илмий маркази, академик В.Вохидов номидagi Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, «Salus Vita» соғломлаштириш марказида тиббий кўриқдан ўтказилди. Мамлакатимиз ва хориқлик онколог-шифокорлар ўзаро тажриба алмашди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида эндокринология соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари ва истиқболдаги вазифаларнинг ихросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, эндокринология диспансерлари ва бирламчи тиббий-профилактика тизими шифокорлари иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоберова, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С.Исмоилов ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида аҳолига эндокринология соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизими яратилгани халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бунда дастуруламал бўлмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли эндокринология ёрдами кўрсатилмоқда. Замонавий тиббий ташхис ва даволаш усуналари билан жиҳозланган Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида йилига олти минг беморга амбулатор, етти минг беморга стационар шарафидан кўмак берилмоқда.

Соҳага илғор илм-фан ютуқлари жорий қилинаётгани натижасида гипотиз бези, қалқонсимон без хасталиклари, қандли диабет асоратлари туфайли келиб чиқадиган буйрак етishмовчиликлари ва бошқа оғир хасталиклар самарали даволанмоқда. Бу эса ногиронликнинг олдини олиш, беморлар саломатлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Аҳоли йодланган ош тузи билан таъминланаётгани эндокринологиянинг долзарб муаммоларидан бири — қалқонсимон без хасталигининг олдини олишда яхши самара бераётди. Қандли диабетнинг биринчи тури билан хасталанганларда давлат бижети ҳисобидан инсулин етказиб бериш йўлга қўйилган.

Матбуот анжуманида эндокринологик касалликларни камайтириш учун ҳар бир инсоннинг ўз саломатлигига масъуллигини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш юзасидан атрофлича фикрлашилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Бугунги кунда оналар ва болалар саломатлигини асраш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шу сабабдан ҳам юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасига катта эътибор қаратилиб, мавжуд тиббиёт муассасаларини тубдан таъмирлаш, янги стационарлар қуриш, тизимга замонавий технологияларни жорий қилиш, чет эл тажрибаларини ўзлаштириш ҳамда врачлар малакасини оширишга катта маблағлар йўналтирилмоқда.

ДАВОЛАШДАН КЎРА ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Республикаимизнинг барча ҳудудларида турли касалликларни даволашга ихтисослаштирилган махсус шифохоналар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Улар барча қўлайликларга эга, озода ва шимам. Бу масканларда тажрибали, қатъиятли ва масъулиятли тиббиёт ходимлари, бўлим бекалари ва пазанда-ошпазлар беморларга беминнат хизмат кўрсатишмоқда.

Тошкент шаҳридаги 4-болалар юқумли касалликлари клиник шифохонаси ҳам фуқароларни, айниқса, жажжи болажонларни соғломлаштириш ва юқумли касалликларга қарши курашишга муҳим ҳисса қўшиб келаётган даволаш муассасаларидан биридир. Мазкур шифохона 2009 йилда «Меҳр нури» жамғармаси ва унинг ҳамкорлари кўмағида тубдан қайта қурилиб-таъмирланди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бугунги кунда у жаҳон андозаларига мос, барча талабларга жавоб бера оладиган саломатлик масканларидан бирига айланган.

Касалхона 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, унинг қошида даволаш бўлимларидан ташқари 6 ўринга мўлжалланган реанимация (жонлантириш) бўлими, ошхона, кирохона, ҳар бир палатада алоҳида гигиена хоналари, душ мавжуд. Ҳозирда шифохонада 260 нафар тиббиёт ходимлари, шу жумладан, 30 нафар шифокор, 150 га яқин тиббиёт ҳамширалари ва кичик тиббий ходимлар оналар ва бемор болаларга хизмат кўрсатмоқда.

Тиббиёт муассасасини тажрибали мутахассис, олий тоифали врач Мактуба Иноятнова бошқариб келади. М. Иноятнова шаҳардаги 21-поликлиникада уаста шифокори сифатида ўз иш фаолиятини бошлаган. 1983 йилдан эса 4-болалар юқумли касалликлари шифохонасига шифокор бўлиб ишга ўтган. Ҳозирги кунда у бош шифокор лавозимида катта жамоанинг мақсад ва вазифаларини рўйга чиқаришда етакчилик қилмоқда.

— Қувонарли томони шундаки, кейинги йилларда республикаимизда полиомиелит, дифтерия ва бошқа инсон ҳаёти учун хавфли бўлган юқумли касалликлар кайд этилмаёттир, — дейди 4-болалар юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори Мактуба Иноятнова. — Юқумли касалликларнинг аҳоли орасида тарқалишининг олдини олиш, хавфли эпидемиологик хасталиклари мамлакатимизда бутунлай тугатиш бугунги кунда биз — тиббиёт ходимлари олдида қўйилган муҳим вазифалардан биридир. Жамоамизда соғлиқни сақлаш соҳасида катта тажрибага эга, эл-юрт хурматини қозongan врачлар ва тиббиёт ҳамширалари фаолият олиб боради. Махмуд Тоҳирова, Адиба Ўлжаева, Дилдора Аҳмад-жонова, Лазиза Абдурахмонова, Меҳри Султонова, Халил-лал Аликбаров каби шифокорлар, Матлуба Эргашева, Дилбар Йўлдошева, Мастура Ахмедова, Озода Шисалимова, Дилдора Фуломова, Азиза Раҳимова, Мухайё Абдуллаева ва каби ҳамширалар шулар жумласидан. Тиббиёт масканларининг ободонлаштирилиши, тизимга жорий этилаётган янги технологиялар натижасида сўнгги йилларда болалар ва оналар ўртасида ўлим ҳолатлари кескин камайди. Шифохонамизда 15 ёшгача болалар даволанади. Бугунги кунда стационар шарафидан даволанаётганлар орасида 5 ёшгача бўлган болалар кўпчилиги ташкил этади. Бу эса кичик ёшдаги болалар организмга юқумли касалликлар олдида оқимлиги, касалликка қарши курашда тиббиёт ходимлари ёрдамига муҳтож эканлигини кўрсатади. Шу сабабдан ҳам фарзандларимизга алоҳида эътибор ва жиҳдий ёндашув асосида муолажалар олиб борамиз. Ҳар қандай муолажа бир марталик қўлқоплар, система ва шприцлар ёрдамида амалга оширилади. Тиббий анжонларни стерилизлаш, хоналарни тоза тутиш ва кварц нурлари билан зарарсизлантиришга катта аҳамият қаратилади.

Юқумли ичак касалликлари инсоннинг овқат ҳазм қилиш тизимига зарар етказиши. Касалликдан соғайган бола ошқозон-ичак тизимининг клиник кечилиши кўра ўз меъдари фаолиятини тиклаб олиши учун камида бир ой керак бўлади. Шунинг учун ҳам врачлар фарзандини кўрак сути билан боқувчи оналарга ва касалликдан тўзалган болаларга қатъий парҳез тутишни, мева ва सबзавотларни емасликни, болага овқат ҳазмини оsonлаштирувчи ва ичак фаолиятини яхшиловчи дори-ларни ўз вақтида ичиришни тайинлашди.

Баҳор-ёз мавсумида ҳавонинг иссиқлиги муносабати билан ҳар хил бактериялар ва касаллик қўзғатувчиларининг кўпайиши, одамларнинг турли мева-чева ва полиз экинларини истеъмол қилишда эҳтиётсизликка йўл қўйиш оқибатида ҳамда гигиена талабларига риоя қилинмаган ҳолларда аҳоли орасида юқумли ичак касалликлари кенг тарқалади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тиббиёт қанчалик ривожланган бўлмасин, унга ўз вақтида даво чоралари қўрилган тақдирда ҳам ҳар қандай касаллик ўз кечилиши қараб инсон организмни заифлаштиради, салбий асоратлар қолдиради. Айниқса, ёш болалар микози турли касалликларга беришувчан бўлади. Ўз вақтида зарурий тиббий тадбирлар қўрилмаса, бола саломатлиги учун хавф туғилиб, ўта оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам касалликни даволагандан кўра олдини олган афзал, дейишда шифокорлар. Бунинг учун эса тўғри овқатланиш, тўғри дам олиш, тозаллик ва гигиена, шунингдек овқатланиш парҳези талабларига риоя қилиш лозим.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИЛСА...

Ҳар бир инсон даромадини кўпайтирмоқчи бўлса, улар албатта тартиб-қоидага амал қилмоқликлари зарур. Баъзида айрим юрtdошларимиз қонунга зид иш қилиб охи-оқибатда ташвишга қоляптилар.

Мисол тариқасида Бектемир туманида яшовчи Арисман Шамуровни келтириш мумкин. У тартиб-қоидаларга зид равишда назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида нотўғри ишга қўл урди. Гап шундаки, у 2012 йил март ойидан 19 июнга қадар 392855 дона шлакоблок қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариб, 216 миллион сўмга сотган ҳолда жами 20 миллион сўм назорат қилинмайдиган даромад кўрган. Бу билан у ноқонуний савдо фаолиятини амалга оширган. Унинг хуфёна ишларига чек қўйилди.

Суд судланувчи А.Шамуровга жазо турини белгилашда унинг шахсини, айбига иқрор эканлиги ва пўшаймонлигини, иккитдан судланмаганлигини, содир этилган жиноят муқаддас хавфига қатта бўлмаган жиноятлар туркумига киришини ҳисобга олиб, жазо тайинлади.

Агар юқорида номи қайд этилган фуқаро оқибатини ўйлаб иш тутганида ортиқча ташвишга қолмасди, зеро, инсон бир ишга қўл уришдан аввал унинг оқибатлари ҳақида чуқурроқ ўйлаб қўриши зарур.

Сардор БОЙМАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖЖДЛҚК департаменти
Бектемир туман бўлими инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Савдога Олмазор туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2011 йил 10 августдаги 1-1496/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ қўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, 3 та блокдан иборат, А-блок 2052 кв.м., Б-блок 291 кв.м., В-блок 100

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

кв.м. бўлган бизнес маркази тақро-нади қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 426 684 553 сўм.**

Савдо 2013 йил 10 июнь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат

10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириг муддат: 2013 йил 7 июнь кунин соат 18:00.

Қўчмас мулк билан тегишли суд


ижрочилари бўлимининг вакили иш-тироқида бевосита жойига чиқиб та-нишиш мумкин. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пу-лини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжа-

ти рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАЙТБ Савбон ф-даги 2 0 2 0 8 0 0 0 9 0 4 9 2 0 6 0 9 1 1 4, МФО:01036, ИНН:207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамис кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: VV-0001

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“ҚИБРАЙ”

Клиник санаторийида саломатлигингизни тикланг!



Юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сўхатхўдир.

Бу ерда тажрибали кардиолог, невропатолог, пульмонолог

ва бошқа мутахассислар тиббиётининг энг илғор усулларини жорий қилиб,

беморларни даволайдилар.

Сихатхўда сауна, бассейн, фитобар, теннис корти, бильярд каби қўнлаб қўлайликлар мавжуд.

Ошхонада беш маҳал парҳез таомларини ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Санаторий манзили:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус еки 135-йўналиши тақсиди «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Телефонлар: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий XI халқаро турнир бўлиб ўтди.

Турнирнинг очилишида Сурхондарё вилояти ҳокими Н.Чориев, Кураш халқаро ассоциацияси президенти К.Юсупов, Халқаро Олимпия кўмитаси аъзоси, польшалик Ирена Шевинска ва бошқалар курашнинг жаҳонда энг қизиқарли, оммабоп спорт турларидан бири сифатида кенг ривожланаётганини алоҳида қайд этди. Дунёнинг барча қитъаларида кураш бўйича ўтказилаётган халқаро турнирларда кўплаб ёш полвонларнинг кашф этилаётгани ҳамда кураш халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамжихатлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Сурхондарёда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий XI халқаро турнирга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Ўн минг томошабинга мўлжалланган замонавий «Сурхон» спорт мажмуасининг муҳташам стадиони жаҳон полвонларини яна кураш баҳсларига чорлади. Икки кун давом этган мurosасиз мусобақаларда дунёнинг ўттизга яқин давлатидан келган полвонлар ўзаро куч синашди.

Юртимизда спортнинг оммавийлиги йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар таҳсинга сазовордир, — дейди кураш бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони, сурхондарёлик Қўлдош полвон Худойкулов. — Болалик давримизда миллий кураш фақат тўй ва сайилларда намойиш этиларди. Бугун эса Юртбошимиз раҳнамолигида миллий курашимиз бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Кураш бўйича йирик мусобақа ва турнирларнинг ўтказилиши, «халол», «чалар», «ёнбош» каби атамаларнинг дунё бўйлаб оммалашиб бораётгани диққатга сазовордир.

Мустақиллик йилларида кураш халқаро спорт турига айланди. Ўтган йиллар давомида 121 давлат Кураш халқаро ассоциациясига аъзо бўлгани, ҳар йили турли қитъа ва мамлакатларда жаҳон чемпионати, халқаро турнирлар ташкил этилаётгани бунинг далилидир. Жорий йил октябрь ойида Франциянинг Париж шаҳрида катталар ўртасида кураш бўйича жаҳон

чемпионати ўтказилади. Шу йилнинг 29 июнь — 6 июль кунлари Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ёпиқ иншоотлардаги ва жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари дастурига кураш ҳам киритилгани миллий спортимиз оммавийлашиб бораётганидан далолатдир.

— Кураш Жанубий Корея ёшларининг ҳам сеvimли машғулотига айланиб бораётир, — дейди «Инчон — 2013» Осиё ўйинлари ташкилий кўмитаси аъзоси Чо Хеунг Кеун. — Курашнинг ёпиқ иншоотлардаги ва жанговар яккакурашлар бўйича Осиё ўйинлари дастури-

га киритилгани ушбу спорт турини қитъамиз мамлакатларида янада оммалашшига хизмат қилади. Ҳозир мусобақаларга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ташкилий кўмита аъзолари IV Осиё ўйинларининг кураш мусобақаларини юқори савияда ўтказиш учун бугунги халқаро турнирда тажриба ошириш мақсадида Ўзбекистонга келдик. Беллашувларнинг ўта мurosасиз, қизгин ва ҳалол кечгани бизда катта таассурот қолдирди.

— Аввал спортнинг дзюдо тури билан шуғулланганман, — дейди ҳиндистонлик полвон Маниш Кумар. — Кейинчалик кураш билан қизиқиб, унга меҳр қўйдим. Етти йилдан буён кураш билан мунтазам шуғулланаман. Ҳиндистонлик ёшларда курашга иштиёқ тобора ортиб бормоқда. Юртингизда ўтказилаётган ушбу халқаро турнирда иккинчи бор иштирок этялман. Термиз йилдан йилга чирой очиб, кўркем шаҳарга айланаётганига гувоҳ бўлдим.

Анъанага кўра, мусобақанинг очилишида фахрий спортчилар ва болаларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган

Кураш

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН БЕЛЛАШДИ

Кўргазмалар

БЕТАКРОР РАСМЛАР ВА НОЁБ КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИ

Кўргазмада Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳамда «Ижод» ассоциацияси аъзолари, Республика ва хорижий кўргазмалари қатнашчилари рангтасвирчи рассом Аҳмад Бобоев ҳамда ҳайкалтарош Наталья Доманцевичлар ўз асарларини намойиш этдилар. Бунда санъатнинг кўпгина турлари — рангтасвир, ҳайкалтарошлик, ноанъанавий кулолчилик буюмлари, график кино эскизлар шунингдек, ижодкорларнинг профессионал жиҳатлари ўз аксини топди.

«Сато» гуруҳининг раҳбари ва солисти Тоир Қўзив кўргазманинг очилиш маросимида ўз куй-қўшқлари билан иштирок этиб, тadbирга йирилган меҳмонларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Аҳмад Бобоев маҳоратли рангтасвирчи рассом бўлиб, 2008 йилдан бошлаб Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида таълим бериб келмоқда.

Экспозициянинг тасвирий қаторида Шарқ ва Европанинг турли афсона ва ривоятлари жамланган. У эмоционал куч ва бир вақтнинг ўзида юқори даражадаги шоироналиги билан томошабинни ўзига жалб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда кўргазма концепцияси ижодий муаллифлик йўли жамланган «Шарқнинг рамаз ва романтикаси»ни ташкил этади.

Шу билан бирга А. Бобоев замонавий ўзбек кинематографиясида сахналаштирувчи рас-

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида Маданият ва санъат кўргазма залида рангтасвирчи рассом Аҳмад Бобоев ва рассом-кулол Наталья Доманцевичларнинг «Шарқ — сен ва мен» деб номланган бадий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

сом вазиасида фаолият кўрсатади. Тўлиқ метрражи «Сўғдиёна» фильми учун беш турдаги халқаро совринларни кўлга киритган. Асосий соврин Москва халқаро фестивалининг «Фильмнинг энг яхши тасвирий ечим» номинациясидир. Кўргазма экспозициясида ушбу фильмлар учун яратилган эскизлар, либослар, экспликациялар намойиш этилмоқда.

Наталья Доманцевич Бобоева рассом-кулол, ҳайкалтарош. Кўргазма экспозициясидан ижодкорнинг турли мавзудаги кўпгина асарлари жой олган. Тематик инсталляциялар, лирик жанрдаги аёл образлари, декоратив композициялар, турли хом ашёдан тайёрланган ликопчалар: (шамот, ёғоч, тошдан ясалган) кулолчилик буюмлари шулар жумласидандир.

Рассом кўп йиллар давомида болалар бадий студияси раҳбари вазиасида фаолият кўрсатган.

Кўргазмада муҳлислар рассом Аҳмад Бобоевнинг «Севги дарахти», «Кўзгу менга айтчи», «Қизил дарё», «Икки қалб уйи», «Марям», «Болалик девори», «Девор ортида», «Бухоро сояла-

рида», «Менинг жаҳоҳирим», «Аёл портрети» каби рангтасвир асарлари, Наталья Доманцевичнинг ноанъанавий кулолчилик асарларидан «Бухоро», «Ипак йўли», «Сўғдиёна», «Момокаймак», «Болаликдаги гуларим», «Қирғизлик келин» инсталляциялари билан танишишлари мумкин.

Ушбу ноёб кўргазмада Шарқ фалсафасини, нозик маъно-мазмунини, самимийлигини жонбардор ранглар жило-сида кўриб, роҳатланиш мумкин. Шу билан бирга, профессионал амалий безак санъати рассоми Наталья Доманцевичнинг ажойиб ноанъанавий шаклдаги кулолчилик буюмлари, шу билан бирга Шарқ ифори-ни таратиб турган кўргазма марказида жойлашган айвон, унга илгинган анор мевалари декорацияси тadbирга ўзгача мазмун бахш этади.

Кўргазма доирасида кино арбоблари Ҳамид Ҳасанов, Ринат Галлиев, Аҳмад Бобоевлар билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

Фарҳод Жўраев, Маданият ва санъат кўргазмаси катта илмий ходими



Ўзбекистон Бадий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг «Дунё болалар нигоҳида» номли танлов-кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу танловда 1-синфдан 4-синфгача бўлган ўқувчиларнинг ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ИШЛАРИ НАМОЙИШИ

Маълумки, айниқса бу ёшдаги болалар дунёси ўзгача, уларнинг яшаб турган оламга муносабати, орзу-уйлари ҳам беғубор. Болажонларнинг тасаввурлари, иқтидорларини тўғри йўналтириш келажаги учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам уларнинг ижодий ишларини рағбатлантириш мақсадида «Дунё болалар нигоҳида» танлов-кўргазмасининг ташкил этилиши бежиз эмас.

Танлов-кўргазмага рангтасвир, графика, макетлар йўналишида юздан ортиқ ижодий ишлар кўйилган. Ушбу кўргазмани ташкил этишда бошланғич синфлар услубчиси Саодат Мўминованинг саъй-ҳаракати алоҳида. Шу билан бирга унда устоз рассомлар сабоқлари натижасини кўриш мумкин.

Танлов-кўргазмада 3-синф ўқувчиси Эрвин Сейтасанов «Менинг оилам» ижодий иши учун биринчи ўрин, 4-синф ўқувчиси Иброҳим Ҳожиаббаров «Гуллар» иши учун иккинчи ўрин, 3-синф ўқувчиси Зулайхо Баратова «Олтин қон» ижодий иши учун учинчи ўринни эгаллаганликлари учун Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройи дипломи ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар. Шу билан бирга кўргазмада қатнашган иштирокчиларга сертификатлар берилди.

Шуни айтиш кераки, Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги республика


ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг ташкил этилганига 80 йилдан ошди. Шаклланиш даврида 20-сон Меҳрибонлик уйи ҳисобланган ушбу маскан кейинчалик «Иқтидорли болалар уйи»га айлантирилди. Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб республика махсус музыка ва рассомлик мактаб-интернати сифатида фаолият юрита бошлади.

1997 йилда Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этилгач, мактаб унинг тасарруфига ўтказилди. Шундан бошлаб унинг тарихида янги имкониятлар эшиги очилди. Музыка ва рассомлик бўйича профессионал билим бериш билан бирга, иқтидорли болалар ижоди хориж мамлакатларида ҳам намойиш этила бошланди.

Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида кўплаб санъат ва маданият арбоблари таҳсил олган. Жумладан халқ артисти Галия Измаилова, Гулнора Маваева, Ўзбекистон халқ рассомлари Рўзи Чориев, Анатолий Жибоевдов шулар жумласидандир.

Кўплаб мактаб ўқувчилари АҚШ, Италия, Хитой, Россия каби мамлакатларда тажриба алмашиш учун сафарларда бўдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа Алексей Попов олган сурат



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Иш ҳам ҳамиша меҳнат-кашни излаб юради.

Бирданига кўп нарсани орзу қилган ҳеч нарсага эришолмайди.

Бировга яхшилик қилиш учун хоҳишдан ташқари, имконият ҳам бўлиши керак.

Кўпни кўрган кўп ҳикмат билар.

Нодон ўзини ҳар қадамда кўрсатади.

Катта мақсад йўлидаги баъзи бир кичик чекинишлардан чўчимаслик керак.

Қалб изтироблари кишини ҳар қандай оғир жисмоний ёки ақлий меҳнатдан-да қаттиқ толиқтиради.

Унумсиз меҳнатдан ортиқ азоб йўқ.

Кимларгадир кераклисан, демек беҳуда яшамаяпсан.

Бошига кулфат тушганда ақлли киши ўзини иш билан овутади. Ғам-ҳасратга берилиш — нодоннинг иши.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 23 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг кўп ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 29-31 даража иссиқ бўлади.